

**1-мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида
“Солиқ назарияси” фанининг предмети мазмуни уни ўрганиш усуллари**
Режа.

1. «Солиқ назарияси» фани ижтимоий-иқтисодий фан сифатида.
2. Фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги.

1. «Солиқ назарияси» фани ижтимоий-иқтисодий фан сифатида.

«Солиқ назарияси» фани солиқларнинг назарий жиҳатларини, хусусиятларини ўрганишдаги асосий фан ҳисобланади. Фаннинг предметиға тўхталишдан олдин “Солиқ” категориясига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, “Солиқ” категорияси - бу муҳим иқтисодий жараён бўлиб, унинг пайдо бўлиши ва амал қилиши кишилиқ жамиятининг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқлар ҳар бир давлат фаолиятини моддий жиҳатларини таъминлайди. Иқтисодийни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Амалиётда ва умуман иқтисодий фанда солиқларнинг моҳиятиға нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Шу сабабли, ушбу категория ҳар бир давлат томонидан ўзига хос тарзда фойдаланилади.

Фаннинг моҳияти шу ўртадаги молиявий муносабатни яъни солиқ тўловчи билан давлат ўртасидаги муносабатни чуқур ўрганиш, солиқ муносабатларида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини эътиборға олиш, мувозанатни сақлаш каби муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Бу мувозанатни сақлашда, томонлар адолатлик тамойилиға амал қилиш зарур. Тушунарлироқ қилиб айтилса, бюджетға солиқларни олишда солиқ тўловчилар бўйниға ортиқча оғирлиқ осмаслиқ, уларни ўз ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини сўндириб қўймаслиқ, уларнинг дастурлари ва режаларини тез-тез ўзгартиришға олиб бормаслиқ ва ҳоказоларға эътибор бериш кўзда тутилади. Бу ерда томонларнинг дўстона муносабатда бўлиши, бозор иқтисодийи талабларига мос иқтисодий муносабатлар бўлишини ўргатади.

2. Фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги

Табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиш қонунларини ўрганишнинг бирдан-бир тўғри илмий усули диалектик усулдир. Шунинг учун, ҳам ушбу илмий билиш усули барча фанларнинг, шу жумладан «Солиқ назарияси» фанининг ҳам назарий ва методологик асосини ташкил этади. Диалектик усул шуни кўрсатадики, ривожланиш қуйидан юқорига қараб содир бўлади. Билиш эса оддийдан мураккабға томон ривож топиб боради. Шунинг учун, ушбу усул тадқиқотнинг индукция ва дедукция усуллари ўз ичига олади.

Хусусий, яққа факт олиниб, унинг асосида умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса - бу индукциядир. Аввал, бошданок барча хусусий ҳолларни ўз ичига олган умумий қоида ҳосил қилинса бу - дедукциядир.

Шу билан, бирға барча иқтисодий фанлар каби «Солиқ назарияси» фанининг ҳам ўзига хос илмий билиш усуллари мавжуд. Улардан бири илмий абстракция усулидир. Илмий абстракция усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда таҳлил пайтида объектнинг фақат бир томонига, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятиға эътибор қаратилади ва ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали унсурларнинг таъсири эътиборға олинмайди.

«Солиқ назарияси» фани шунингдек, ўз предметиға ўрганишда назарий таҳлил ва синтез усулидан ҳам фойдаланади. Таҳлил - бу ўрганилаётган бутун объектни қисмларға ажратиш ва уларни изчиллиқ билан таҳлил қилиш, бўлса, синтез эса, ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Солиқларға доир мураккаб назарий масалалар мана шу йўл билан ўрганилади.

Солиқлар масалаларига доир билимларни ўрганиш бошқа фанлардан ҳам хабардор бўлишни талаб этади. Жумладан, “Иқтисодий таълимотлар тарихи», “Иқтисодий назарияси», “Молия”, “Солиқ қонунчилиги”, “Солиқ менежменти”, “Солиқлар ва солиққа тортиш” каби фанлар шулар жумласидандир.

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, Давлат бюджети, солиқ тўловчилар, Молиявий муносабатлар, диалектик усул, таҳлил ва синтез усули, илмий абстракция усули, макроиктисодий ва микроиктисодий таҳлил усули.

Назорат саволлари.

1. «Солиқ назарияси» фани нима учун иқтисодий фанлар таркибидан ўрин олган?
2. Фанни ўрганишдаги умумий усуллар ҳақида тушунча беринг?
3. Фанни ўрганишдаги алоҳида усуллар ҳақида тушунча беринг?
4. «Солиқ назарияси» фани ўз предметини ўрганишда қайси фанлар билан алоқада бўлади?
5. «Солиқ назарияси» фанини ўқитиш нима учун керак?
6. «Солиқ назарияси» фани нимани ўргатади унинг қандай вазифалари бор?
7. «Солиқ назарияси» фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги роли қандай?

2-мавзу: Солиқлар ва солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

Режа

1. Солиқларнинг пайдо бўлиши, илк кўринишлари ва ривожланиш босқичлари.
2. Мамлакатимиз ҳудудида солиқларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши.
3. Амир Темур ва темурийлар даврида солиқлар, солиққа тортишнинг хусусиятлари.
4. Октябрь инқилобигача бўлган даврда солиқлар, солиққа тортишнинг ривожланишига умумий тавсиф.
5. Собиқ иттифоқ даврида солиқларга бўлган ёндашув.

1. Солиқларнинг пайдо бўлиши, илк кўринишлари ва ривожланиш босқичлари.

Солиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлат молиясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида солиқ тўловчилар мол-мулкининг бир қисмини мажбурий кўринишда давлат хазинасига ўзлаштирилиши сифатида ундириш узоқ даврга бориб такалади. Солиқларнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот тарихий китобларда учрамасада, лекин солиқларнинг илк кўриниши сифатида қурбонлик қилинган ноз-неъматлар эътироф этилади. Бунинг хусусияти шундан иборатки, у мажбурий бўлмай ихтиёрий тарзда амалга оширилгандир. Қилинган қурбонликлар эса, камбағалларга, ночорларга, етимларга, муҳтожларга улашиб берилган.

Солиқлар тарихда инсон цивилизацияси билан бирга ривожланиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Солиқларнинг иқтисодий муносабатларда асосий ўринга чиқишига авваламбор давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлиниши, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши, ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган.

Солиқлар пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида уларнинг шакллари ҳам ўзгариб келмоқда. Агарда бугунги кунга келиб солиқлар асосан пул шаклида ундирилаётган бўлса, улар қадимда бир қанча кўринишларда, жумладан, меҳнат шаклида, натура шаклида ундирилган. Шу билан биргаликда жамият иқтисодий тараққиёти юксалишига мос равишда солиқларнинг пулли шаклда ундирилиши ҳам тобора ривожланиб бори.

2. Мамлакатимиз ҳудудида солиқларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши

Мамлакатимиз тарихида милoddан олдинги ва милoddан кейинги даврларда ҳукмронлик қилган давлатларда, давлат бошлиқларининг олий мақсадлари ўз хазинасини тинмай тўлдириб бориш, кейинги авлодларига 2-3 баробар ортиқ бойлик қолдириш бўлган. Йиғилган хазиналарнинг энг кўп қисми унумсиз тадбирларга тартибсиз сарфланиб, ҳатто исроф

бўлганлиги аён. Милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ Марказий Осиё ҳудудларида кўчманчилик шароитида, ўзлари учун қулай жой излаб юрган кўплаб уруғ ва қабилалар, ер майдонлари, сув, ўтлоқларни эгаллаш мақсадида курашиб келганлар, айрим ҳолларда эса, ўзларидан кучлироқ, йирик қабилаларга ер солиғи, яъни ўлпон тўлаб турганлар.

Моварауннаҳрда IX-X асрларда ерларни солиққа тортиш улар кимга тегишли эканлигига боғлиқ эди. Ерлар уч тоифага бўлинган:

Биринчи тоифа ерлар - султонга тегишли бўлиб (мулки султоний), бундай ер устидан назорат кейинчалик «Мулки девоний» деб номланган девон (махкама) амалдорлари томонидан амалга оширилиб, ушбу тоифадаги ерлар ҳаддан ташқари кўп эди. Бундай ерларга асосан деҳқонлар ерлари кирган.

Иккинчи тоифа - ерлар шахсан ҳукмрон сулоланинг айрим аъзолари, қадимий деҳқон задагонлар, шунчаки бой деҳқонларга, саййидлар (Муҳаммад пайғамбар хонадони авлодлари), айрим руҳонийлар, турк гвардиясининг айрим раҳбарлари, савдогарларга тегишли бўлган хусусий мулк ерлар.

Учинчи тоифа ерлар - мусулмон диний муассасаларига, яъни масжид, мадраса, хонақоҳ макбараларга вақтинча ёки умрбод фойдаланиш учун берилган вақф ерлар.

Хирож учала тоифа ерларидан ҳам олинган бўлиб, улар «мулки хирож» деб аталган, лекин бунда олий мусулмон руҳонийларга, аввало саййидларга тегишли ерлар солиққа тортишдан тўлиқ ёки қисман озод қилинган.

3. Амир Темур ва темурийлар даврида солиқлар, солиққа тортишнинг хусусиятлари

Амир Темур инсоният тарихида йирик давлат арбоби ва ўрта асрнинг енгилмас, бетакрор лашкарбошиси сифатида Марказий Осиё ҳудудида йирик салтанат барпо қилиб, ўз салтанати таркибига ҳозирги 27 та давлатни бирлаштирди. У ҳамиша ўз давлат тизимини такомиллаштириб боришни ўйлар, мўғуллардан фарқли ўлароқ, бошқа ўлкаларни забт этишинигина эмас, балки аксинча, у ерларни идора қилиш тўғрисида ҳам қайғураётган эди.

Амир Темур солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари унинг фарзандларига сиёсий васияти бўлмиш “Темур тузуклари” да ифодаланган: “Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади”¹.

Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган катта хизматларидан бири давлат бошқарув тизимининг мумтоз намуналарини қайта тиклаш билан чегараланмасдан, замон талабларини кўзда тутиб, янги усулларни жорий қилишидир. Унинг стратегиясида инсонпарварликка асосланган мукаммал жамият қуриш ғояси марказий ўрин тутди. Унгача хазинани идора қилиш нафақат даргоҳ тамойилига асосланган бўлса, у даргоҳ ва вазирлик тамойилларини қўшиб олиб борди. Хазина даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратилди. Хазина харажатлари таркибидан ободончилик, ижтимоий-маданий, шу жумладан, фан, маданият, ижтимоий таъминот харажатларининг ҳиссаси ортиб борди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустаҳкамланиши, унинг халқро мавқеини оширишда фаол таъсир этди.

Темурийлар давридаги солиқларни ўрганишда айрим фактларни келтириб ўтиш ўринли. Масалан, темурийлардан Ҳусайн Бойқаро мамлакатдаги исёнлар туфайли харажатлар кўпайганини ҳисобга олиб, Ҳирот ҳокими Муборизиддин Валибекка нишон юбориб, янги харажатлар учун Ҳирот ва унинг теваарак атрофидаги туманлардан 100 минг диноҳ кепаккий тўплаб жўнатишни буюрди. Ҳирот ҳокими туманлардан фақат ярмини, қолганини эса аҳолидан сармушар, яъни жон солиғи сифатида ундиришга қарор қилди. Бундай меҳнаткаш халққа жудаям қийин бўлган бир шароитда Алишер Навоий Ҳирот аҳолиси зиммасига тушган 50 минг диноҳни ўз жамғармаси ҳисобидан тўлади.

¹ «Темур тузуклари». Тошкент «Чўлпон», 1991 й. 98 бет.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур ва темурийлар даврида бир қадар тартибли солиқ тизими амал қилган.

4. Октябр инқилобигача бўлган даврда солиқлар, солиққа тортишнинг ривожланишига умумий тавсиф

Шайбонийлар давлатида солиқ, ўлпон ва мажбурийлар тизими анча мураккаб бўлган. Расман 90 га яқин солиқ ва ўлпонлар ундирилган. Асосий солиқ хирож бўлиб, у суғориладиган ерларнинг 30-40 фоизига солинган; давлат аппарати, сипоҳийлар ва хон саройини боқиш учун ихрожат олинган; боғлар, поллизлар, бедазорлар ҳам солиққа тортилган. Агар давлат аппарати пулга жуда мухтож бўлса, фавқулдда солиқлар жорий этилган. Солиқ ва ўлпонлардан ташқари мажбурий ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, улар ичида энг оғири ясоқ бўлган, яъни аҳоли каналлар, хандаклар қазилар, йўллар қуриш, ўтин, сомон, шох-шабба йиғишга сафарбар қилинган ва текин ишлаб берган. Юқоридагилардан ташқари шайбонийлар даврида тоғор, улуфа, қўналға, мададилашкар, бож, тансуқот, туҳфа ва бошқа солиқлар амал қилган.

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда марказлашган давлат учта мустақил давлатга: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетди. Уларнинг ҳар бири ўз чегараси, давлат тизим ва хазинаси, ўзининг мустақил молиясига эга эди.

Тарихий манбалар Хива хонлигида қуйидаги солиқларнинг амал қилганлигидан далолат беради: бегор; қазув (бало қазув деб аталувчи 6 кунлик мажбурий меҳнат ва сув тақсимловчи тармоқларни тозалаш); қочув (эхтиёт дамбаларини қуриш учун сафарбар қилиш); олғут (бир йўла олинадиган йиғимлар, солғут бунга кирмайди); солғут (ер солиғи); милтиқ солиғи (қўшинга қурол-аслаҳа сотиб олиш учун олинадиган пул солиғи); арава олув (аравалардан давлат эҳтиёжи учун сафарбар қилиш); улоқ тутув (туя ва отларни, аҳолини сафарбар қилиш); қўнолға (деҳқонлар томонидан амалдорларга кечаси тунаш учун жой бериш); сўйсин (уй эгасининг қўноқда қолган кишини қўй ёки бузоқ сўйиб меҳмон қилиши); чопар пули (солиқ йиғиш хабарини етказганлик учун тўланадиган ҳақ); тарози ҳақи (солиқ тўлаш жараёнида тарозибонга бериладиган пул); миробона (мироб фойдасига бериладиган пул); дарвозабон пули (юк билан шаҳарга кирганда шаҳар дарвозабонига бериладиган пул); отланув (халқ лашкари ва хон қатнашадиган овда мажбурий қатнашиш); ипак моли (аҳоли ипакчилик даромадининг 1/40 қисмини олиш); мир тумон ҳақи (маҳаллий ҳоким ҳақи); шиғовул пули; пул солиғи тўлаш пайтида хазиначига тўланадиган солиқ; қўрувбон пули (дарахт қоровули ёки яйловни назорат қилиб турувчи шахсга тўланадиган ҳақ; мушрифона (ҳосилни текширадиган ва миқдорини белгиладиган кишига бериладиган пул); афанақ пули; чивик пули; оммавий ишлар ўтказиш даврида руҳонийлар фойдаси учун йиғиладиган пул ва бошқалар.¹

Бухоро амирлиги молия тизими негизида араблар истилоси даврида бутун мусулмон Шарқи ўзлаштирган солиқ - хирож турган. Хирож ердан олинадиган ҳосилнинг бешдан бир ёки учдан бир қисми сифатида олинган, ушр солиғи эса ўндан бир қисмини ташкил этган. Ҳунармандлар ўз қобилияти, дидига мос равишда байрамларда хонга ўз буюмларини тақдим этишган. Фавқулдда ҳолларда улар ҳар бир дўкондан йиғим тўлашган.

Бухоро амирлигида ўлпон йиғиш билан девонбеги - молия вазири шуғулланган. Улар дафтарлар - ўлпон рўхатларини тузган. Молия амалдорлари девонбеги раҳбарлигида кадастрлар, амир саройининг молия ҳисоботи ва моддий қисми билан шуғулланганлар. Натура мажбуриятлари устидан назоратни арбоб олиб борган. XIX асрнинг биринчи ярмида хусусий мулк ер солиқлари Бухоро амири хазинасига энг кўп даромад келтирган. Улар ичида энг аҳамиятлиси ҳали ҳам хирож эди. Хирож ерлари (замини хирожий) амирликдаги деҳқон аҳолига тегишли участкаларнинг катта қисмини ташкил этган. Хирож муайян ер участкасидан белгиланган суммада пул ва маълум миқдорда дон билан ундирилган (хирожи вазифа) ёки ҳосилнинг бешдан, олтидан, саккиздан бир қисми миқдорида ҳосилнинг мутаносиб қисмини тўлашда (хирожи муқассама) ифодаланган. Тўланадиган солиқ ҳажми эса синов тариқасида янчиш йўли билан олинган.

¹ Сабурова С. «Хива хонлигида солиқ (Қўнғиротлар даври)». «Солиқ тўловчининг журнали» 2001 йил 12-сон.

Токзор, йўнғичқазор, мевали дарахтзорлардан танобона олинган. 1807 йили амир Ҳайдарнинг бир ёрлигида ҳар таноб ердан бир тиллодан танобона олиниши зарурлиги кўрсатилган. Агар экинзор эгаси танобона тўлашдан бош тортса, ҳосилнинг учдан бир қисми мол (хирож) тариқасида олинган. Баъзида хирож ҳосилнинг ярмини ташкил этган. Шохмурод замонида ҳар бир зироатчидан қўшпули олинган.

XV-XVII асрларда закот бева-бечоралар, мусофирлар фойдасига олинган бўлса, XVIII асрдан бошлаб хазина фойдасига олинадиган бўлди. Закот тўлашдан бош тортган қабилалар устига омонпули (моли омоний) олинган.

Каналлар, иншоот, қалъа, кўприклар, йўллар таъмири ҳашар йўли билан амалга оширилган. Бошда ҳашарчилар озиқ-овқат билан таъминланган. XVIII асрдан бошлаб ҳашарга келувчилар озиқ-овқати, иш асбоблари, от-араваси билан келиши лозим бўлган. Манбаларда қайд этилишича XVIII асргача қадим замонлардан олимлар, қозилар, сипоҳийлар ва навкарлар хирож ҳамда танобона тўлашдан озод этилганлар.

XIX асрнинг 50-йиллари охирида қишлоқ деҳқон аҳолисининг кўпчилиги қонун билан белгиланган ер солиғи – хирож ёки амлоқдан ташқари, полиз ёки боғ билан банд бўлган ҳар бир таноб ер (таноб пули) ва йўнғичқазар учун (алаф пули) алоҳида солиқлар тўланган. Бу иккала солиқ кўпинча таноба ёки таноб пули деб аталарди. Зарафшон водийсида яшовчи бир неча деҳқон жамоаси амир Насруллога мурожаат этиб, уларнинг уйдан олисда жойлашган полизларга солинадиган танобани камайтиришни илтимос қилади. Амир илтимосни қондиргач, полизлардан алоҳида солиқ - қўшпули олина бошланди. Закот энг муҳим солиқ бўлиб, уни тўлаш ҳар бир мусулмон учун беш фарзнинг бири ҳисобланиб келинган. Бу мол-мулк солиғини ундириш учун амалдорлар тайёрланган ва закот олиш объектлари аниқланган. Кўчманчи ва чорвадорлардан закот чорвадан пул ёки натура шаклида (беш туядан битта, қирқ қўйдан битта) ундирилган. Ишчи моллардан олинадиган алоҳида йиғим ҳам мавжуд бўлиб, уни яксара деб аташган. У бир жуфт от ёки ҳўкиздан бир ботмон буғдой ҳажмида олинган. Битта ишчи молига эга бўлганлар бу миқдорнинг ярмини тўлашган, у нимсара деб аталган. Сув тегирмонлари ва жувозлардан пул ёки натурада йиғим ундирилган, унинг ҳажми корхонанинг қандай тузилгани ва даромад келтиришига ҳамда қишлоқ хўжалик жиҳатидан қандай аҳамиятга эгаллигига қараб ўзгариб турган.

5. Собик иттифок даврида солиқларга бўлган ёндашув.

1917 йил октябрда большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш Собик Иттифок халқлари, шу жумладан Ўзбекистон тарихида салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини бошлаб берди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан аграр ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган хўжалик тадбирлари занжирида мустақил иш олиб боровчи якка деҳқоннинг манфаати олдинги ўринга қўйилди. 1919 йил март ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) эълон қилиниши муносабати билан янги солиқ сиёсати ташкил этилди. Мазкур тизим қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, даромад, мулк ва рента солиқлари, тамға йиғимлари, мерос ва бошқа божлар каби мажбурий тўловларини ўз таркибига камраб олган. 1922 йил 11 апрелда “Натура солиғи ҳақида”ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озиқ-овқат разведкаси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озиқ-овқат солиғи белгиланди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай хўжаликнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий этилди. Солиқ қуйидаги пропорцияларда олиниши белгилаб қўйилди: 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлардан ҳосилнинг 5 фоизи, 2-4 десятинагача 10 фоизи, 4-6 десятинагача 12 фоизи, 6-8 десятинагача 14 фоизи ва ҳоказо.

1923 йил 13 июнда баъзи зиддиятларни бартараф этиш мақсадида озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалиги солиғига ўтиш тўғрисида декрет чиқарилди. Натижада, товар-пул муносабатларининг субъекти бўлган деҳқонларнинг роли сезиларли равишда кучайди. Хусусий капитал асосида ташкил этилган воситачилик ва савдо ширкатлари қатъий мафкуравий назорат остида бўлди. Кўпинча, хусусийларга жуда катта миқдорда солиқ солинар, тадбиркорларнинг

эркин фаолияти эса бутунлай чеклаб қўйилган эди. Кейинчалик давлат хусусий секторни тугатишни тезлаштириш мақсадида қўшимча солиқлар ундирилди.

1923-1925 йилларда қуйидаги солиқлар амал қилган:

1. Тўғри солиқлар:

- қишлоқ хўжалиги солиғи;
- хунармандчилик солиғи (савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарига);
- мулк солиғи;
- рента солиқлари;
- герб йиғимлари ва бошқалар.

2. Эгри солиқлар:

- акциз солиқлари (чай, кофе, шакар, туз, алкогольли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари ва бошқа турдаги товарларга нисбатан жорий этилган);
- турли хил божлар.

1922-1923 йилларда тўғри солиқлар бюджетни солиқли даромадларининг 43 фоизини, 1923-1924 йилларда 45 фоизини, 1925-1926 йилларда 82 фоизини ташкил этган.

1930 йилларда янги солиқ ислохотларини ўтказиш талаб қилинди. Солиқ ислохотлари ўтказишнинг асосий сабаби қуйидаги камчиликларни йўқотишга қаратилган эди.

- солиқлар сонини қисқартириш мақсадида оборот солиғини жорий этиш;
- бир солиқ объектини бир неча мартаба солиққа тортилиши ва баҳоларни режалаштиришнинг мураккаблигини тугатиш. Бунинг учун фойдадан ажратмалар ва кооперацияда даромад солиғи жорий этилди.

Оборот солиғи таркибига бир неча солиқ ва фойдадан ажратмаларга 6 хил солиқ бирлашди. Олиб борилган солиқ ислохоти натижасида корхоналарга бюджетга олинадиган даромадлар 7 баравар ортди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг Ўзбекистон фронт эҳтиёжларини таъминловчи моддий базага айланди. Бюджетдан ҳарбий тадбирларга сарфланган маблағлар 114,7 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 58,8 миллиард сўм ёки 50,8 фоизни ҳарбий харажатлар ташкил қилган эди. Бундан ташқари, республика фронтга 4 млн. 148 минг тонна пахта, 54 минг тонна пилла, 3 млн. 83 минг дона қора қўл териси ва озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатган. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак даражада намойиш қилган Ўзбекистон халқи фашизм устидан фақат Собик Иттифокни эмас, энг аввало ўз халқини сақлаб қолди. Ўзбекистон ҳудудида уруш ҳаракатлари содир бўлмаган бўлсада, бошқа республикалар қатори бу ерда ҳам иқтисодий тизим издан чиқди. Иқтисодиётни қайта тиклаш ишлари бошланиб, қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, солиқ тизимига катта эътибор қаратилди. Бу йўналишда солиқ миқдори хўжалик томорқасига қараб белгиланадиган бўлди. Натижада айрим вилоятларда узумзорларни кесиб ташлашга ўхшаш ҳодисаларга барҳам берилди. Солиқ 2-3 баравар камайдди.

Солиқ соҳасидаги ўта муҳим ўзгаришлар Собик Иттифок КПСС МҚ нинг 1987 йил июл пленумида тасдиқланган “Давлат корхоналари (бирлашмалари) тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан боғлиқ. Унга мувофиқ корхоналар мулкчилик шаклидан қатъий назар бюджетга тўловлар билан бир қаторда улар фойдасини солиққа тортиш мумкинлиги ҳам расмий равишда тан олинди ва 1991 йил 1 январидан эътиборан халқ хўжалигининг барча тармоқларида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар ва давлат ўртасидаги муносабатлар солиқ усулига ўтказилди.

Таянч сўз ва иборалар.

1. Ўлпон, хирож, жузя, иқтаъ, калон, копчур, раият, мулки девоний, суюрғол, тархонлик, аваризот, ихрожат, танҳо, солғит, девонбеги, оклад.

Назорат саволлари.

1. Солиқлар қачон пайдо бўлган?
2. Мамлакатимиздаги илк солиқлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Араблар истилоси давридаги солиқларни қўллаш механизми қандай?

4. Мўғуллар давридаги «калон» ва «копчур» солиқлари қандай солиқлар?
5. Амир Темур даврида солиқ ундириш тартиби тўғрисида нималарни биласиз?
6. Бухоро амирлигидаги солиқларнинг ундирилиш тартиби қандай бўлган?
7. Оборот солиғи қай тартибда ундирилган?
8. Хирож солиғи маъноси нимани англатади?
9. Солиқларнинг ривожланиш давлари ҳақида нималар биласиз?

3-мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳақида илмий қарашлар ва назариялар

Режа.

1. Иқтисодий таълимотларда солиқларга оид ғоялар ва назариялар талқини.
2. Умумий солиқ назариялари.
Классик солиқ назарияси.
Кейнсчилик ва неокейнсчилик назарияларида солиқларга тавсиф.
Монетаризм ва таклиф иқтисодиёти назарияси.
3. Хусусий солиқ назариялари.
- 3.1. Тўғри ва эгри солиқлар нисбати назариялари.
- 3.2. Ягона солиқ назарияси.
- 3.3. Солиқларни юклаш назарияси.

1. Иқтисодий таълимотларда солиқларга оид ғоялар ва назариялар талқини

Солиққа тортиш илк кўринишларидан бири - бу мағлуб бўлган давлатдан совға тариқасида ундирилган. Мағлуб бўлган давлатнинг ҳамма бойликлари ғолиб давлатга ҳарбий мукофот сифатида ва харажатларини қоплаш учун ўтган. Кейинчалик мағлуб бўлган давлат ғолиб давлатни моддий жиҳатдан таъминлаб туришлари (ёки пул тўлаб туришлари) шарт эди. Бошқача қилиб айтганда - солиқларнинг биринчи шакли мағлублардан солиқ (ёки мағлублар солиғи) сифатида ундирилган.

Қадимги Мисрда ва кўплаб шарқий давлатларда солиқ давлат бошлиғига тегишли бўлган ердан фойдаланганлик учун ижара ҳақи сифатида ундирилган. Дастлабки феодал давлатларида солиқлар давлат бошлиғига совға сифатида берилган. Тасодиф эмаски, ўрта асрларда Англияда “солиқ” ва “совға” сўзлари деярли синоним сўзлар бўлиб, иккиласи ҳам “gift” сўзи билан ифодаланган. Германияда эса солиқнинг номи давлат томонидан солиқ тўлаш мурожаати билан боғлиқ бўлган. Кейинги давларда солиқларга халқни ўз давлатига ёрдами сифатида қаралган. Ҳозирги кунгача немис тилида солиқ номи - “steuer” қўллаб-қувватлаш маъносини билдиради.

Узоқ вақт давомида солиқ назариясида - классик қарашлар асосий назария бўлиб келди. Бундан 200 йиллар чамаси илгари А. Смит томонидан давлат молияси эволюциясини ўрганишга асос солинди. Бу назария мустақил хўжалик юритувчи субъектлар даромадидан давлат хазинасига тартибли ва самарали равишда солиқ ундиришнинг тўрт тамойилини ўртага қўйди: тенглик, аниқлик, тўлашнинг қулайлиги ва арзонлиги. Классик-олимлар У. Пети, Ж. Б. Сей ва инглиз иқтисодчилари Д. Риккардо, Ж. Миль иқтисодиётни самарали ва ўзини-ўзи бошқара олади деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича талаб таклифни яратади, агар ишлаб чиқарувчилар кўпайиб кетишса, улар ўзлари тақчил тармоқларга ўтишини, солиқлар эса фақатгина бюджет даромадининг манбаи сифатидагина роль ўйнайди холос деб ҳисоблашган. Солиқлар бўйича олиб борилган изланишлар фақатгина уни ундириш (тенглик ва прогрессивлик) ва ундирилган маблағларни фискаль эҳтиёжларни кондириш учун ишлатиш устида олиб борилар эди. Аммо иқтисодиётнинг ривожланиши ва иқтисодий циклларнинг бўлиб туриши классиклар назарияларни бир қадар ўзгаришига олиб келди, яъни давлатнинг роли ва иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсата олишини белгилаб бериш керак бўлиб қолди. Бундан ташқари солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий чегараларини ҳам белгилаб олиш керак эди.

Умуман олганда, солиқ назарияси деганда солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти, уларнинг жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, роли ва аҳамияти ҳақидаги илмий

билимларнинг у ёки бу тизими ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, солиқ назарияси солиқларнинг у ёки бу вазифасини тан олинишига қараб давлатларнинг солиқ тизимларини турли хил шаклланиш моделларини ўзида акс эттиради.

2. Умумий солиқ назариялари

XIX асрнинг биринчи ярмида швейцариялик иқтисодчи Симонд де Сисмонди (1773-1842 йиллар) ўзининг “Политэкономиканинг янги асослари” номли илмий асарида (1819 йил) солиқ назариясини роҳатланиш (қаноатланиш) назарияси сифатида таърифлайди. Солиқлар гўёки, фуқароларни жамиятдан олган роҳатлари учун тўлов сифатида қаралади. Фуқаролар солиқларни тўлаш ҳисобига жамиятдаги тартиб-интизом, одил судлов тизими, мол-мулки ва шахсиятини муҳофаза қилиш каби хизматларни сотиб олади ва бундай хизматларни фуқароларнинг роҳатланиши сифатида қарайди. Шундай қилиб, Сисмонди ўзининг ушбу назариясида у алмашинув назариясининг замонавий кўринишини ифодалашга ҳаракат қилган.

Ушбу даврда солиқларга суғурта мукофоти сифатида қараш шаклланди, бу қараш тарафдорлари француз ҳукумати арбоби Адольф Тьер (1797-1872 йиллар) ва англия иқтисодчиси Джон Мак-Куллох (1789-1864 йиллар) лардир. Уларнинг фикрича, солиқ - бу суғурта тўловидир, яъни ҳар қандай хавф-хатар пайдо бўлиш тасодифи учун фуқаролар давлатга солиқ тўлайдилар. Солиқ тўловчилар тижоратчилар ҳисобланиб, улар ўз даромадларига боғлиқ ҳолда мулкни урушдан, ёнғиндан ва талончиликдан ҳимоя қиладилар. Аммо солиқ суғурта тўлови каби суғурта ҳодисаси рўй берганда фуқароларга қайтарилиш учун эмас, балки ҳимоя ва хавфсизликни таъминлаш харажатларини молиялаштириш сифатида тўланган.

Классик солиқ назарияси (солиқнинг нейтрал назарияси) анча юқори назарий аҳамиятга эга бўлиб, ушбу назария шотландиялик иқтисодчи А.Смит (1723-1790 йиллар), инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо (1772-1823 йиллар) ҳамда уларнинг давомчиларининг илмий фаолиятлари билан боғлиқдир. Бу назария тарафдорлари солиқни давлатнинг харажатларини қопловчи бир даромад сифатида қарашган. Ушбу қарашлар А.Смитнинг бозор иқтисодиёти назариясига асосланган эди. Бозор шароитида хўжалик субъектларининг мустақиллиги ва эркин фаолият кўрсатиши талаб этилади. А.Смит давлат бошқарувининг марказлашган шаклига қарши чиқиб, бу борада қуйидагиларни баён этади: «Марказлашган бошқарув тизимидан марказлашмаган бошқарув тизимига ўтиш талабни қондиришнинг максимал даражага етишини таъминлайди.

1980 йиллар бошида Америка олимлари М.Бернсон, Г.Стайн ва А.Лаффер томонидан ишлаб чиқилган таклиф иқтисодиёти назарияси Кейнс назариясига қараганда солиқларни иқтисодий ривожланиш ва тартибга солишнинг бир омили сифатида кўпроқ аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Мазкур назария юқори даражада солиққа тортиш тадбиркорлик ва инвестицион фаолликка салбий таъсир қилишини, бу эса охир оқибатда солиқ тўловларидан тушумлар камайишига олиб келишини асослаб беради. Шунинг учун улар солиққа тортиш ставкаларини пасайтириш ва корпорацияларга ҳар-хил имтиёзлар беришни таклиф этади. Муаллифларнинг фикрига кўра, солиқ юқини пасайиши шиддатли иқтисодий ўсишга олиб келади, юқори солиқ ставкалари эса тадбиркорлик инициативасини камайтиради ва инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришни сусайишига олиб келади.

3. Хусусий солиқ назариялари

Хусусий солиқ назариялари ичида энг биринчиларидан бири бўлиб, тўғри ва эгри солиқлар нисбати назарияси ҳисобланади. Европа цивилизацияси ривожланишининг бошланғич даврида тўғри ва эгри солиқларнинг жорий қилиниши жамиятнинг сиёсий ривожланишига боғлиқ бўлган. Мулк анча текис тақсимланганлиги оқибатида ҳали демократик тартиблар сақланиб қолган ўрта аср шаҳарларида солиқ тизимлари асосан тўғри солиқларга асосланиб тузилган. Эгри солиқлар анча оғир ва халқ аҳволига салбий таъсир қилади деб ҳисобланган, чунки улар товар қийматини оширади. Аристократия халқ қаршилигини синдирганидан сўнг эгри солиқларнинг қўлланилиш устунлиги ўрнатилди ва у асосан биринчи

зарур бўлган товарларга нисбатан қўлланилди (масалан, тузга солиқ). Шундай қилиб, биринчи ёндашувга асосан эгри солиқлар солиқ тўловчилар учун зарарли ҳисобланади, чунки улар халқ аҳволини ёмонлаштиради.

Хусусий солиқ назариялари ичида муҳим аҳамият касб этган назариялардан бири ягона солиқ назариясидир. Ягона солиқ назариясидан қурол сифатида ижтимоий-сиёсий ислохотчилар бир неча бор фойдаланишган. Шунини таъкидлаш лозимки, бу назария солиқ муаммоларидан кўра кўпроқ ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўриб чиққан. Ягона солиқни жорий қилиш ғояси барча даврларда машҳур ҳисобланган. Ҳаттоки, Англияда XVIII асрда биноларга нисбатан ягона солиқ жорий этиш керак деган шиор остида партия фаолият кўрсатган. Мазкур назариянинг тарафдорлари ягона солиққа ҳамма офатлардан даъво сифатида қарашган. Ягона солиқ жорий қилинганидан кейин камбағалчилик бартараф этилади, иш ҳақи ошади, ортиқча ишлаб чиқариш бўлмайди, саноатнинг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш ўсиши юз беради деб таъкидланган.

Ягона солиқ - бу солиққа тортишнинг муайян объектга нисбатан қўлланадиган ягона, битта солиқдир. Солиққа тортишнинг ягона объекти сифатида турли назарийчилар томонидан ер, харажатлар, кўчмас мулк, даромад, капитал ва бошқалар таклиф қилинган. Ягона солиқнинг биринчи кўринишларидан бири бўлиб ер рентасига солиқ ҳисобланади.

Солиққа тортишнинг назарий жиҳатларига солиқларнинг ижтимоий-сиёсий табиати ҳам катта таъсир ўтказди. Бу айниқса, пропорционал ва прогрессив солиққа тортиш назариялари нисбатида намоён бўлади. Пропорционал солиққа тортиш ғоясига мувофиқ солиқ ставкалари солиқ тўловчининг даромади ҳажмидан қатъий назар унга нисбатан ягона ғоизда белгиланган бўлиши керак.

Солиқларнинг юкланиши муаммоси ҳозирга қадар ҳам ўз ечимини топгани йўқ. Америкалик иқтисодчилар К.Макконел ва С.Брюларнинг фикрларига кўра: Солиқлар ҳар доим ҳам солиққа тортилиши лозим бўлган манбалардан келиб чиқмайди. Баъзи бир солиқлар юкланиши мумкин. Шу сабабли, солиқларнинг асосий турлари юкланиши мумкин бўлган соҳани ва солиқлар кўчиб ўтадиган сўнгги нуқтасини аниқлаш керак. Бошқа Ғарб иқтисодчилари Р.Масгрейв ва Д.Минзанинг фикрларига кўра, капиталистлар тўлайдиган солиқларнинг 30 % дан 50% гача истеъмолчиларга юкланади. Солиқларни юкланиши муаммоси ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ҳам долзарб ҳисобланади, чунки республикамиз давлат бюджети даромадларининг юқори қисми эгри солиқлар ҳисобига шакллантирилмоқда. Бу эса солиқларнинг асосий оғирлиги товар, иш, хизматларнинг истеъмолчилари зиммасига тушаётганлигидан далолат беради.

Таянч сўз ва иборалар.

Илмий қарашлар, гипотезалар, илмий ғоялар, илмий назариялар, умумий солиқ назариялари, хусусий солиқ назариялари, алмашинув назарияси, классик солиқ назариялари, кейнс солиқ назарияси, монетаризм солиқ назарияси, таклиф иқтисодиёти назарияси, ягона солиқ назарияси, тўғри ва эгри солиқлар нисбати назарияси, пропорционал ва прогрессив солиқ назариялари, солиқларни юклаш назарияси.

Назорат саволлари.

1. Умумий солиқ назарияларига қандай солиқ назариялари киради?
2. Хусусий солиқ назарияларига қандай солиқ назариялари киради?
3. Классик солиқ назарияси ғоялари нималардан иборат?
4. Таклиф иқтисодиёти назариясининг ютуғи нималардан иборат?
5. Ягона солиқ назарияси моҳиятини очиб беринг?
6. Тўғри ва эгри солиқлар нисбати назарияси моҳиятини очиб беринг?
7. Пропорционал ва прогрессив солиқ назариялари моҳияти нималарда ифодаланади?
8. Солиқларни юклаш назариясининг бугунги кундаги аҳамияти қандай?

4-мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари

Режа.

1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, объектив зарурлиги ва хусусиятлари.
2. Солиқларнинг умумий белгилари ва бошқа иқтисодий категориялардан фарқи.
3. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари.
4. Солиққа тортишнинг мавжуд ва амалдаги тамойиллари.

1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, объектив зарурлиги ва хусусиятлари.

Солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп ва бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Буларга бизнинг республикамызда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигида, молия тизимида) ташкил қилиш киради. Шу ерда давлат кучли социал сиёсат тадбирларини амалга ошириш учун пенсионерлар, нафақахўрлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни кўпроқ маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди ва уларга бошқа харажатларни давлат ҳисобидан амалга оширади, маҳаллаларда кам таъминланганларга моддий ёрдамлар ташкил этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, ишлар бажарган ёки бозорларда олди-сотди қилиш жараёнида пул муносабатларини ҳосил қилади. Лекин улар солиқ бўла олмайди, солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан давлат бюджетига мажбурий тартибда тўланиши ёки ундирилиши лозим. Давлат учун бюджетнинг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқ тушунчаси - иқтисодий муносабатларда асосий ўринни эгаллайди. Унинг характерли томони шундаки - у тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслардан уларга мулкчилик, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган пул маблағларини давлат ва муниципал тузилмаларни молиявий таъминлаш мақсадида бегоналаштириш шаклида ундириладиган мажбурий, яқка тартибдаги қайтариб берилмайдиган тўловларни акс эттиради, яъни солиқ - давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан мажбурий қонуний тартибда белгиланган ставкалар бўйича, солиқ тўловчининг бундан бирон бир муайян манфаат кўриши билан бевосита боғланмаган тарзда ундириладиган пул йиғими.

2. Солиқларнинг умумий белгилари ва бошқа иқтисодий категориялардан фарқи

У ёки бу иқтисодий категориянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унга хос умумий белгиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, кредит иқтисодий категория сифатида муддатлилик, қайтаришлик, муайян миқдорда устама ҳақ (фоиз) тўлаш каби умумий белгиларга эгаки, ушбу белгилар кредит категорияси моҳиятини кенгроқ ёритиш учун хизмат қилади. Худди шу каби солиқ категорияси ҳам бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, ушбу белгилар солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Солиқларни умумий белгилари сифатида қуйидагиларни келтирамыз.

1. Солиқлар ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий

Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг қоидалари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий жихатдан давлат томонидан кафолатланади.

2. Солиқлар хазинага давлат бюджетига тушади. Аммо бошқа турдаги тўловлар жамғармаларга тушиши солиқ муносабатларини акс эттирмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихан асрлаб ўзгармай ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Унинг илмий асоси қанча чуқур бўлса, шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади.

4. Давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир.¹

3. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу молиявий муносабатлар махсус ижтимоий характерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, солиқларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1. Солиқнинг фискал функцияси
2. Тартибга солиш функцияси.
3. Рағбатлантириш функцияси
4. Солиқнинг назорат функцияси.
5. Солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

1. Солиқларнинг асосий функцияси - фискал функция ҳисобланиб (лотинча *fiscus* сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади.

2. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқларнинг иккинчи муҳим функцияси уларнинг иқтисодиётдаги тартибга солувчилик роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайин «солиқ муҳити»ни яратади. Ушбу функция орқали солиқ тизимида таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг маъқул бўлган бошқа тармоққа қўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

3. Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбатлантиради.

4. Солиқларнинг назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат.

5. Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши жуда зарурдир. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетга тушиши тўлиқ, ўз вақтида ва осон кечади.

¹ Яхёев Қ. «Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти». Т-2003 й.

4. Солиққа тортишнинг мавжуд ва амалдаги тамойиллари.

Солиқларнинг функциясини ўрганиш уларнинг иқтисодийётдаги ролини кўрсатиб берса, солиққа тортиш тамойиллари солиқ муносабатларини амалиётда ташкил этиш, солиққа тортиш, уни ундириш амалиётининг мазмунини очиб беради. Кўплаб иқтисодчилар солиққа тортиш иқтисодийётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган тамойилларни қайд этишган.

Солиққа тортиш тамойилларини А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини асослаб берган:

1. Давлат фуқаролари давлат харажатларини қоплашда ўзлари ҳукумат муҳофазасида фойдаланаётган даромадларига мувофиқ тарзда қатнашишлари лозим.

2. Ҳар бир одам тўлайдиган солиқ аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак, бунда ўзбошимчалик кетмайди. Солиқ миқдори, тўланадиган вақти ва тартиби уни тўловчига ҳам, бошқа ҳар қандай одамга ҳам бирдай аниқ ва маълум бўлиши зарур.

3. Ҳар бир солиқ тўловчига ҳар жиҳатдан қулай бўлган вақтда ва тартибда ундирилиши керак.

4. Ҳар бир солиқ шундай тарзда тузилиши керакки, бунда солиқ тўловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл қўйилмасин.

Таянч сўз ва иборалар

1. Солиқ тушунчаси, солиқларнинг объектив зарурлиги, солиқларнинг умумий белгилари, солиқларнинг функциялари, фискал функция, тартибга солиш функцияси, рағбатлантириш функцияси, назорат функцияси, ахборот билан таъминлаш функцияси, солиқларнинг вазифалари.

Назорат саволлари.

1. Солиқларга таъриф беринг?
2. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг?
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималарда кўринади?
4. Солиқларнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқи нималардан иборат?
5. Солиқларнинг хусусиятлари борасида маълумот беринг?
6. Солиқларнинг белгиларини моҳиятини тушунтириб беринг?
7. Солиқларнинг қандай функциялари мавжуд?
8. Солиқларнинг функциялари ва вазифаларини фарқлаб беринг?

5-мавзу: Иқтисодийётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Режа.

1. Солиқ сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари.
2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда давлатнинг роли.
3. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хусусиятлари ва йўналишлари.

1. Солиқ сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари

Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинadиган солиқлар тўғрисида» ги (1991 йил 15 феврал), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиғи тўғрисида» ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни юқоридаги ҳужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базасини

кенгайишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради.

Бугунги кунда республикаимиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда давлатнинг роли

Юқорида қайд қилинганидек, солиқ сиёсати давлат, яъни унинг ваколатли органлари томонидан олиб борилади. Агар ушбу ваколатли органлар ҳокимият тури нуқтаи-назаридан олиб қараладиган бўлса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Айрим ҳолларда давлатнинг солиқ сиёсати Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилади, деган фикрлар учрайди. Амалда эса солиқ сиёсати давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари: Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг ажралмас қисми сифатида комплекс тарзда амалга оширилади.

Бу ҳокимиятлар томонидан солиқ сиёсати қуйидаги тартибда ишлаб чиқилади ва унинг ижроси таъминланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланган Олий Мажлис томонидан солиққа оид ва унга бевосита тегишли бўлган қонунлар қабул қилинади, ўзгартириш ва ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг ҳуқуқий негизлари мазкур ҳокимият фаолияти билан боғлиқдир. Ижро ҳокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари, Давлат Солиқ Қўмитаси, Молия Вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа тегишли органлар томонидан Олий Мажлис томонидан қонун йўли билан жорий этилган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг ишлаш механизмини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар орқали уларнинг ижроси таъминланади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, республикаимизда солиқ сиёсати давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Солиқлар бўйича ҳар бир ҳокимият органи махсус ваколатларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз фаолиятларини самарали олиб боришда ушбу ваколатлардан фойдаланади. Бунда ваколатли органлар сифатида барча ҳокимият органлари, жумладан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари биргаликда фаолият кўрсатади ва унда Давлат солиқ қўмитаси солиқ сиёсатини амалиётга жорий этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажаради.

3. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хусусиятлари ва йўналишлари

Бугунги кунда республикаимиз солиқ сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш, билвосита солиққа тортиш самарадорлигини таъминлаш, ресурс солиқларига кўпроқ эътибор қаратиш, солиқ тизимининг соддалигига эришиш, давлат харажатларини оптималлаштириш кабиларни қайд этиш мумкин.

Республикаимизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайитиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўп бора таъкидланмоқда. Бунда биринчи навбатда уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайитириш лозимлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг натижасида, корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўпроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имконини беради.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортилишини такомиллаштириш бўйича устувор йўналиш сифатида белгиланган солиқ ставкаларини камайитириш ва аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг уч босқичли тизимидан икки босқичли тизимига аста секин ўтиш концепциясини давом эттириш вазифаси турибди.

Бевосита солиқлар бўйича солиқ юкини изчил камайтириш солиқ сиёсатининг самарадорлигини ЯИМ га нисбатан улар тушумининг барқарор камайиши тенденцияси ҳам исботлайди. Солиқ тизимини такомиллаштиришда устувор аҳамият билвосита солиққа тортишга қаратилган. Билвосита солиқлар товарларга нисбатан кўшимча бўлгани ҳолда, пировард натижада ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бозор иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим роль ўйнайди.

Солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тизимини тартибга солиш, солиқ турларини камайтириш, ҳисоб-китоб механизмини соддалаштириш ва улар бўйича тўлов даврийлигини камайтириш ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

1. Солиқ сиёсати, солиқ сиёсати концепцияси, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, солиқ сиёсати йўналишлари, жаҳон солиқ сиёсати.

Назорат саволлари.

1. Солиқ сиёсатига таъриф беринг?
2. Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асосларини ифодалаб беринг?
3. Солиқ концепцияси нима?
4. Солиқ сиёсати стратегиясига таъриф беринг?
5. Солиқ сиёсати тактикаси нима?
6. Солиқ сиёсати хусусиятлари ва йўналишларини тушунтириб беринг?

6-мавзу: Солиқ элементлари

Режа.

1. Солиқ элементларининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Солиқ элементларининг таркиби.
3. Солиқ имтиёзлари, уларнинг моҳияти ва турлари.
4. Солиқни ундириш (солиққа тортиш) усуллари.
5. Солиқ механизми.

1. Солиқ элементларининг моҳияти ва аҳамияти

Солиққа тортиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган солиқ элементлари солиққа тортишда ифодаланадиган тушунчалар бўлиб, улар солиқ тўловчилар ва солиқни ундирувчи ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Солиқ назариясида солиққа оид муносабатларни тўлиқ ва теранроқ англаш учун иқтисодий воқеъликларни ҳар бир кичик гуруҳларини муайян номдаги иборалар билан изоҳланади. Солиқ элементлари ҳам худди шундай солиққа оид иқтисодий ҳодисаларни изоҳлашга хизмат қилувчи яхлит тушунчадир. Солиқ элементлари тушунчаси солиққа тортиш тизимини муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўзи ҳам кичик тизимни ташкил этади, яъни ҳулоса қилиб айтганда солиқ элементлари ҳам бир неча иқтисодий категорияларни яхлит ҳолдаги ҳаракатини билдиради.

2. Солиқ элементларининг таркиби

Солиқ элементлари бир нечта тушунчалардан иборат бўлиб, уларнинг аниқ чегараси белгиланмаган. Солиқ элементлари: солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ предмети, солиқ манбаи, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ нормаси, солиқни тўлаш муддатлари, солиқ юки, солиқ базасини ҳисоблаш усуллари, солиққа тортиш усуллари ва шу каби тушунчаларни қамраб олади. Қуйида солиқ элементларининг ҳар бирига қисқача изоҳ берамиз.

Солиқ субъекти - солиқ тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар ёки бошқача қилиб айтганда солиқ субъекти - бу солиққа оид муносабатларнинг ташкил этувчи томонларнинг ўзаро мажмуаси бўлиб, унда бир томондан солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) бошқа томондан солиқни ундириш ваколати юкланган солиқ хизмати органлари - Давлат солиқ қўмитаси, солиқ бошқармалари, туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари қатнашади. Ўз фаолиятида барча юридик ва жисмоний шахслар солиқ субъекти сифатида намоён бўлмайди. Чунки, бу ерда солиқлардан батамом озод этилувчи юридик ва жисмоний шахслар мавжудки, улар солиқ субъекти сифатида солиқ муносабатларида иштирок эта олмайди. Аммо, барча солиқ хизмати органлари солиқ субъекти сифатида майдонга чиқади. Солиқ объекти - солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади, обороти ва мол-мулки тушунилади. Солиқ объекти сифатида фойда ёки даромад, муайян товарларни қиймати, ер майдони, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари, табиий ресурслардан фойдаланиш миқдори ва бошқалар киради.

Солиққа тортиш предмети - солиқ солинадиган даромад, оборот, мол-мулк ва бошқаларга бўлган ҳуқуқ эмас, балки уларнинг ўзидир, яъни солиқ солиш объекти бўлиб бирор-бир солиқ предметида бўлган ҳуқуқ тушунилса, предмет бўлиб ана шу эгалик қилинадиган даромад, ер участкаси, иморат ва бошқаларнинг ўзи тушунилади. Солиқ объекти ёки солиққа тортиш предмети, унга ким эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унда солиқни тўлаш мажбурияти, яъни солиқ субъектини намоён қилади.

Солиқ манбаи - бу солиқ тўловчининг тўлайдиган солиқлари манбаи, яъни даромади. Солиқ объекти ва солиқ манбаини бир-биридан фарқлаш лозим. Айрим солиқ турлари бўйича, масалан, даромад (фойда)га, ялпи даромадга, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқлар бўйича солиқ объекти ҳам солиқ манбаи ҳам бир хил бўлади, яъни нима объект бўлса, унинг ўзи манба ҳисобланади.

Солиқ базаси - солиқ объектининг солиқ ставкаси қўлланиладиган миқдори. Ҳисобланадиган солиқ миқдори нафақат солиқ ставкаларининг миқдорига, шу билан биргаликда солиқ ставкаси қўлланиладиган объектнинг миқдорига ҳам боғлиқ бўлади.

Солиққа тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлиги. Масалан, даромад ёки мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги бўлиб унинг сўмдаги баҳоси ифодаланса, ер солиғида ўлчов бирлиги бўлиб кв.м. ёки гектар ҳисобланади.

Солиқ ставкаси - объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир. Солиқ ставкаси солиқ элементлари ичида энг кўп амалий аҳамиятга эга бўлган унсурдир. Чунки, солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига сезиларли таъсир этади, айрим фаолият, соҳага устуворлик берилиши, капитал зарур соҳаларга йўналтирилиши, рағбатлантирилиши мумкин.

3. Солиқ имтиёзлари, уларнинг моҳияти ва турлари

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қуйидаги шаклларда:

- солиқдан батамом озод этиш;
- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва мақсадга мувофиқ йўлланилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- айрим корхона ва ташкилотларни бутунлай солиқ тўлашдан озод этиш;

- янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш. Бу имтиёзлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик (агар маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бўлса) ривожланишга ижобий таъсир этади.

Солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо, қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатидан у турли давлатларда турлича бўлади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларини белгилаш муайян мезонлар асосида амалга оширилган. Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчиларнинг инвестицион мавқеига, уларнинг социал-иқтимоий ҳолатига, республикада қайси соҳани ривожлантириш устуворлигига, солиқ тўловчиларнинг импортни ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражасига ҳамда давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларга асосланиб белгилангандир. Солиқ имтиёзларини мезонларини тўғри объектив аниқлаш солиқларнинг адолатлилиги тамойилини ифодаси сифатида юзага чиқади.

4. Солиқни ундириш (солиққа тортиш) усуллари

Солиқ амалиётида солиқларни ундиришнинг учта усули мавжуд:

- кадастрли;
- даромад манбаидан;
- даромад эгаси даромадни олганидан сўнг (декларация бўйича).

Биринчи усул бевосита реал солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган объектлар (ер, иморатлар ва шу кабилар) нинг баҳоси ва ўртача даромадлилиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган кадастр ёки реестрдан фойдаланилишини тақозо этади.

Солиқни тўлашнинг кадастрли усулининг узига хос хусусияти сифатида шуни ажратиб кўрсатиш керакки, солиқнинг тўланиш пайти даромаднинг олинishi пайти билан асло боғлиқ бўлмайди, чунки бундай усулда мол-мулк унинг тахмин қилинадиган даромадлилигининг ташқи белгилари асосида баҳоланади. Кадастрли усулда шаҳарлар ва шаҳар кургонларида ер солиғи ставкаларини ишлаб чиқишга улар ҳудудини шаҳар айрим туманлари ерлари ҳамда инфратузилмасини иқтисодий баҳолаш қиймати бўйича комплекс тарзда баҳолаш асос қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикасида ер солиғи кадастрли усулда ундирилади. Бунда ерларнинг унумдорлиги (бонитети) ҳисобга олинган ҳолдаги жадвал шаклидаги ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили янгидан тасдиқланади.

Иккинчи усулда солиқни солиқ субъектига даромадни тўлайдиган юридик шахс ҳисоблайди ва ушлаб қолади. Ишчининг иш ҳақидан, хизматчининг маошидан даромад солиғи шу тариқа ундирилади. Солиқ корхонада ходимнинг даромадни олғунига қадар ушлаб қолинади, бу солиқни тўлашдан бўйин товлашни истисно қилади, чунки бухгалтерия солиқ солинадиган даромадни ва солиқ суммасини аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқади. Бундай муносабатларда иштирок этувчи юридик шахслар кўпинча фискал агент ёки солиқ агенти сифатида қаралади.

Учинчи усул солиқ тўловчиларнинг солиқ идораларига декларацияларни, яъни уларнинг олган даромадлари ва ўзларига тегишли бўлган солиқ имтиёзлари ҳақидаги расмий баёнотни беришни назарда тутади. Солиқ идоралари солиқ декларацияси ва амалдаги солиққа тортиш ставкалари асосида тўланиши лозим бўлган солиқ миқдорини назорат қиладилар. Солиқ декларацияси асосида, одатда, тадбиркорлик фаолиятидан, деҳқон (фермер) хўжалигини юритишдан олиннадиган даромадлар, шунингдек интеллектуал фаолият билан шуғулланадиган шахслар (фан, адабиёт, санъат асарларининг муаллифлари, кашфиётлар, ихтиролар муаллифлари, саноат намуналарини яратувчилари ва ҳоказо) даромадлари солиққа тортилади.

5. Солиқ механизми

Солиқ механизми, молия механизмининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, солиқ механизми тўғрисидаги қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ механизмини жамият томонидан солиқ муносабатларини ташкил этиш учун қўлланиладиган усуллар йиғиндиси деб аташ мумкин. Лекин бу таъриф солиқ механизмининг ташкилий-ҳукукий мазмуни ҳамда моҳиятини ўзида акс эттира олмайди.

Солиқ механизмининг тўб мазмуни давлат, жамият ва алоҳида субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини ташкил этиш билан боғлиқ объектив пул муносабатлари жараёнини акс эттиради.

Солиқ механизми, иқтисодий категория бўлган солиқлардан фарқли ўлароқ, кишилар онгли фаолиятининг натижаси сифатида устқурмага тегишли бўлиб, уни амалга ошириш шакли субъектив характерга эгадир. Солиқ механизми ҳақида кенгроқ тушунча ҳосил қилиш учун, солиқ ва солиққа тортиш жараёнининг таркибий элементларини эслаб этиш ўринлидир.

Солиқ механизмининг таркибий қисмлари биргаликда солиқ муносабатларини ташкил этишнинг шакллари, турлари, усуллари «солиқ механизми конструкциясини» ташкил этади. Ушбу «конструкция» таркибий қисмларининг ҳар бирига миқдор жиҳатдан ўлчов бирликлари ўрнатиш йўли билан ҳаракатга келтирилади. Бошқача қилиб айтганда, солиқ механизми конструкцияси, солиқ объекти ва субъекти, солиқ ставкаси ва ундириб олиш муддати, солиқ бўйича имтиёзлар бериш ҳамда жарималар солиш ва бошқаларни аниқлаш йули билан ҳаракатга келтирилади.

Солиқ механизми - давлат томонидан солиқ муносабатларини ташкил этиш учун қўлланиладиган (ҳукукий база асосида) солиққа тортиш жараёнининг элементлари ва уларни бошқаришнинг йиғиндисини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда солиқ механизми - бу солиқ муносабатларини ташкил қилиш усуллари йиғиндиси бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий ривожланишда қулай шарт-шароитлар таъминлаш учун давлат томонидан қўлланилади.

Солиқ механизмининг ҳукукий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуни, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа солиққа оид меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, у умуммиллий ва давлат манфаатларини акс эттиради.

Таянч сўз ва иборалар

1. Солиқ элементлари, солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ агенти, солиқ предмети, солиқ базаси, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, пропорционал солиқ ставкаси, прогрессив солиқ ставкаси, регрессив солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ юки, солиқни ундириш усуллари, солиқ механизми.

Назорат саволлари.

1. Солиқ элементларининг моҳиятини очиб беринг?
2. Солиқ элементлари таркибига қандай элементлар киради?
3. Солиқ объекти билан солиқ предмети фарқларини тушунтириб беринг?
4. Солиқ ставкаларининг қандай турлари мавжуд?
5. Солиқ имтиёзларини гуруҳлаб беринг?
6. Солиқни ундириш усуллари қандай гуруҳланади?
7. Солиқ механизмининг моҳиятини тушунтириб беринг?
8. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини аниқлаб беринг?
9. Солиқ механизми таркибига нималар киради?

**7-мавзу: Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими шаклланишининг назарий асослари
Режа.**

1. Солиқ тизимининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Солиқ тизимини гуруҳлаш тартиби.
3. Тўғри ва эгри солиқлар.
4. Умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.
5. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимлар.
6. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.

1. Солиқ тизимининг моҳияти ва аҳамияти.

Солиқлар бўйича изланишлар олиб борган айрим муаллифларнинг солиқ тизимига ёндашуви бошқача. Солиқ тизими хусусан солиқлар ёки уларга тенглаштирилган тўловлар тизими (мажмуи) сифатида қараш мумкин эмас. Солиқ солишнинг муҳим шарт-шароитларига қуйидагилар киради: солиқларни белгилаш ва амалга киритиш тартиби, солиқларнинг турлари, уларни бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш тартиби, солиқ назоратини амалга ошириш шакллари ва услублари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, улар манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг жавобгарлиги¹ ва шу бирга ушбу элементлар солиқ тизимининг таркибий унсурлари эканлигини таъкидлайди ва солиқ тизими деганда ана шу элементларнинг мажмуасидан иборат бўлган ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуасидан келиб чиқиб ифодалаш мумкин.

Умуман олганда солиқ тизимини таркибан солиққа тортиш тамойиллари, солиқ сиёсати, солиққа тортиш тизими, солиқ механизми кабиларга ажратиш мумкин. Ушбу элементлар бевосита мамлакатда амал қилаётган солиқларнинг таркибини белгилаб беради.

2. Солиқ тизимини гуруҳлаш тартиби.

Солиқ тизимининг асоси бўлган солиқлар ўзига хос хусусиятларига, бир қатор белгиларига кўра гуруҳланади. Солиқларнинг гуруҳланиши уларнинг объектига, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсир этишига, ундирилиш усуллари, пайдо бўлишига (субъектига), бюджетга йўналтирилишига ва бошқа белгиларига кўра уларнинг таснифланишидир.

Солиқларни бундай тартибда гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни тақсимлаш тамойилларини белгилашда, уларнинг солиқ функция ва вазифаларини қай даражада бажараётганлигини баҳолашда, умуман олганда давлат бюджетини доимий равишда ва мунтазам даромадлар билан таъминлашда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймасдан фаолият кўрсатиши учун солиқларнинг ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар. Бунда солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита оборотидан ундирилади, уларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, божхона божлари, йиғимлари ва бошқалар киради.

2. Мол-мулк қийматларидан олинадиган солиқлар. Бундай солиқлар солиқ тўловчи субъектлар тасарруфида мавжуд бўлган мол-мулкдан, ердан ва бошқаларга нисбатан белгиланадиган солиқлардан иборат.

3. Даромаддан олинадиган солиқлар. Бунга юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва бошқалар киради.

¹ Хван Л.Б. “Солиқ ҳукуқи”, Т.: “Консаудит информ” 2001 й. 47 бет.

3. Тўғри ва эгри солиқлар

Солиқларни тўғри ва эгри солиқларга гуруҳланиши солиққа тортиш объектига, тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Товарнинг баҳосида тўланадиган ёки тарифга киритиладиган товарлар ва хизматлардан олинadиган солиқлар эгри солиқларга киради. Товар ва хизматларнинг эгаси уларни сотишда солиқ суммаларини олиб, уларни давлатга ўтказди.

Харидор-истеъмолчи эгри солиқларнинг тўловчиси бўлади. Товарнинг соҳиби ёки хизматлар кўрсатадиган шахс аслида солиқни йиғувчи ҳисобланади. Эгри солиқларнинг анчагина қисми мулкдор томонидан товарнинг ёки хизматларнинг нархига қўшилади. Давлат корхоналари ва монополиялар солиқнинг бутун суммасига нархларни ошириш бўйича жуда катта имкониятларга эгадир. Тармоқ ичидаги рақобат юксак бўлганида ва талаб барқарор бўлмаган ҳолда солиқнинг муайян ҳиссаси товарнинг ишлаб чиқарувчиси ва сотувчи томонидан тўланади. Эгри солиқларнинг асосий тўловчиси пировард оқибатда истеъмолчилар бўладилар.

Эгри солиқлар даромадлиликни, оилавий аҳволни ҳисобга олмайди. Ҳамма фуқаролар ўз даромадларининг миқдоридан қатъий назар, бундай солиқларни тўлайдилар, чунки эгри солиқларга тортиладиган турмуш учун зарур бўлган товарларни истеъмол қилишади ва хизматлардан фойдаланишади.

Эгри солиқларнинг ставкалари қатъий (товар ўлчамининг бирлигига) ва фоизли (товарнинг нархига муайян ҳиссада) бўлади. Фоизли ставкалар давлат учун кўпроқ фойдалидир, чунки нархлар ошганида солиқ тушумлари ҳам кўпаяди. Солиқ ставкаларининг оширилиши уларнинг товарларнинг нархидаги ҳиссасининг ортишига олиб келади.

Эгри солиқлар акцизларни, давлатнинг фискал монополияларини ва божхона божларини ўз ичига олади. Акцизлар ундирилиш усулига қараб яқка тартибдаги (пивога, шакарга, бензинга ва Ҳоказо) ва универсал (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) турларга бўлинади.

4. Умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер ости бойликларида фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларида фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланadиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ;
- 5) айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- 6) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, умумдавлат солиқ тушумлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланadиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

5. Юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар ва йиғимлар

Солиқ муносабатлари мавжуд бўлишининг асосий шартларидан бири - бу давлатнинг мавжудлиги бўлса, иккинчи шарти бўлиб солиқларни тўлашга қобил бўлган солиқ

тўловчиларнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкда, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларида фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк солиқлари киради. Ҳукукий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз шаклда корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари, ва қатор йиғимлар киради. Солиқ йиғиш харажати кўпайиб кетади. Чунки, бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичида энг йириги фуқаролар жами даромадига солиқдир. Бу солиқ орқали фуқароларнинг гуруҳлари даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади.

Юқорида айтганимиздек, юридик шахсларнинг бюджетларга тўлайдиган солиқлари тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

6. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари

Мустақиллик йилларида солиқ тизими ислоҳоти ривожланишини яққол кўрсатиш учун шу даврни уч босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1994 йиллар - Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизimini ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Солиқ ислоҳотларининг иккинчи босқичи солиқларни бозор иқтисоди талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратиш давридир. Бу даврга 1995 —1997 йиллар тўғри келади.

1997 йил 24 апрелида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тасдиқланиши солиқ тизimini ислоҳ қилишнинг ҳозирга қадар амалга оширилаётган учинчи босқичининг бошланиши ифодаси эканлиги тамоман қонуний ҳолдир.

Солиқ кодекси амалга киритилиши билан солиққа тортишнинг барча асос бўлувчи меъёрларини ягона ҳужжатга жамлаш; солиқ имтиёзларини тизимлаштириш; фойда, мол-мулк, қўшилган қийматни ҳисобга олиш ва солиққа тортишнинг халқаро тизimini жорий этишга имкон яратилди.

Таянч сўз ва иборалар

1. Солиқ тизими, эгри солиқлар, тўғри солиқлар, умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, юридик шахслар тўлайдиган солиқлар, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар, оборотдан олинадиган солиқлар, даромаддан олинадиган солиқлар, мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар.

Назорат саволлари.

1. Солиқ тизимида таъриф беринг?
2. Солиқ тизимининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нимада?
3. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизimini гуруҳлаб беринг?
4. Объектига қараб солиқлар неча гуруҳга бўлинади?
5. Тўғри ва эгри солиқларни фарқларини аниқлаб беринг?
6. Эгри солиқларга қайси солиқлар киради?

8-мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида солиқлар ва макроиқтисодий ҳолатнинг узвий боғлиқлиги

Режа.

1. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси.
2. Солиқ юки, уни аниқлаш тартиби.
3. Лаффер эгри чизиги ва унинг эластликлари.
4. Солиқларни ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири.
5. Солиқлар ва инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

1. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси

Иқтисодийнинг самарали ривожланиши кўп даражада давлат томонидан иқтисодий жараёнларни бошқаришни тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларидан бири давлатнинг иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси қилиб белгиланганидир.

Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири жуда катта бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўзгариши солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқдир. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсирини солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, иқтисодий барқарорликка таъсири кабилар билан баҳолаш мумкин.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда муҳим бир мезон бўлиб солиқ ставкалари ҳисобланади.

Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг ҳам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Масалан, бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари аввалгича қолган пайтда истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсиши рағбатлантирилади.

Солиқ сиёсатининг самарадорлиги соф экспорт самараси билан чекланади. Биз аниқлаганимиздек, солиқларнинг камайтирилиши миллий жамғармалар миқдорини кичрайтиради ҳамда ички фойиз ставкаларини катталаштиради. Бундай вазият оқибатда фақат ички (миллий) инвестицияларнинг қисқаришигагина эмас, балки мамлакатга чет эл капиталининг оқиб кириши тезлашишига ҳам олиб келади. Мазкур ҳолатда хориж инвестициялари ўсиб бораётган ички фойизли ставкалар билан рағбатлантирилади. Чет эл капиталининг оқиб келиши миллий валютага талабни оширади. Натижада валюта курси кўтарилади, соф экспорт миқдори қисқаради. Валюта курси кўтарилганида миллий товарлар жаҳон бозорида анча қимматлашади, хориж товарлари эса ички бозорда арзонлашади. Шундай қилиб, солиқларни камайитириш туфайли жамият харажатларининг кенгайиб кетиши экспортнинг қисқариши ва импортнинг ўсиши билан боғлиқ ялпи талабнинг пасайиши ҳисобидан қисман текисланади. Бундай самара қайд этилган валюта курслари шароитида амал қилмайди: солиқлар камайитрилганида валюта курси аввалги даражасида қолади ҳамда соф экспорт тегишли равишда ўзгармайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, рағбатлантирувчи солиқ сиёсати фақат қисқа муддатли туркумий тебранишлар оқибати бўлган иқтисодий пасайиш шароитида, фақат қайд этилган валюта курслари пайтида сезиларли макроиқтисодий самара беради. Вақтнинг узок оралиқларида эса у таъсирли бўлмайди.

2. Солиқ юки, уни аниқлаш тартиби

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқ юкининг энг қулай ҳолатини аниқлаш муаммоси доимо мавжуд бўлиб келган.

Солиқ тушумларининг даражаси нафақат ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида юзага келади, балки солиқ тизимидан самарали фойдаланишга ва унинг ўз вазифаларини қай даражада бажаришига ҳам боғлиқ бўлади. Бу функцияларнинг таъсири ҳақида хўжалик субъектларидаги солиқ юки орқали мулоҳаза қилиш мумкин.

Солиқ юкининг умумий даражасини белгилаш орқали иқтисодийни тартиблашнинг ҳам аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Юқорида кўриб чиқилган солиқ юкини ЯИМдаги солиқ улуши сифатида ҳисоблаш методологияси жуда оддий ва тушунарлидир. Шунинг учун у чет мамлакатларда кенг қўлланилади. Айни пайтда, бу методология турли ишлаб чиқариш тармоқларига ва иқтисодиётнинг турли секторларига мансуб бўлган корхоналар учун, уни таққослаб микродаражадаги солиқ юки даражасини тадқиқ этиш имконини бермайди.


Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларга солиқ юкини ҳисоблашнинг методологиясини тавсия этган. Унда солиқ юки барча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг ҳисобга олинган суммаси, маҳсулот сотиш ҳажмига ва бошқа сотувдан тушумни ўз ичига олган нисбат орқали аниқланади.

Солиқ юкини аниқлашда абсолют ва нисбий солиқ юкини фарқлаш лозим. Абсолют солиқ юки - бу жами тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилади, яъни хўжалик юритувчи субъектлар солиқ мажбуриятларининг абсолют миқдоридир. Статистик ҳисоботларда бу кўрсаткичга ҳақиқатда солиқ тўловларининг бюджетга ўтказилганини ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилган мажбурий суғурта бадалларини, шунингдек, бу тўловлар бўйича боқимандалик киритилади.

3. Лаффер эгри чизиғи ва унинг эластликлари

1980 йилларда АҚШда иқтисодий таклиф назариясини ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимлар М.Бернсон, Г.Стайн ва А.Лафферлардир. Бу олимлар солиқ ставкаларини пасайтириш орқали солиқни прогрессивлигини камайтиришга эришиш, бу эса корхоналарни келажакда инвестиция қилишлари учун жамғарма манбаларини кўпайишига олиб келади деб ҳисоблашган.

Солиқ юкининг ортиб бориши солиқ базасининг камайишига олиб келади. Унинг натижасида эса, тадбиркорлар корхоналарни ёпиб қўядилар, ёки солиқ базасини яширишга уринади ва шу тариқа яширин иқтисодиётни ривожланишига олиб келади. Бу ҳолатни Лаффер томонидан илмий жиҳатдан асосланган қуйидаги эгри чизик асосида кўриб чиқишимиз мумкин.



БД – бюджет даромадлари;
С_{тН} – солиқ ставкаси;

Д_{макс} – максимал бюджет даромадлари;
С_{тН макс} – максимал солиқ ставкаси.

А.Лаффер прогрессив солиқ ставкаси ва бюджет даромадларини парабола кўринишидаги эгри чизик билан ифодалади ва у қуйидаги фикрга келди: солиқ ставкасини пастлиги хусусий секторнинг инвестиция фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Кўплаб иқтисодчилар солиқ тўловчиларнинг даромадини бюджетга олишнинг чегараси борлиги ва солиқ оғирлигини

кўпайтириб юбормаслик ҳақида ёзиб ўтганлар. Давлат миллий ишлаб чиқаришни ўсиши ёки пасайишига солиқ ставкаларини ўзгартириш ва бюджет харажатлари орқали таъсир кўрсатади.

4. Солиқларни ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири

Товарга талаб қанчалик кам эгилувчан бўлса солиқнинг катта қисми истеъмолчилар зиммасига тушади, чунки бозордаги нарх кескин кўтарилади. Бунинг аксича, харидорлар қимматлашган товарларни олишдан осонгина воз кечсалар нарх деярли кўтарилмайди ва зарарни сотувчиларнинг ўзлари қоплашга мажбурдирлар.

Таклифнинг эгилувчанлиги сотиш шароити ўзгарганда таклиф этилаётган товарларнинг миқдорини сотувчиларнинг кўпайтириш ёки камайитириш имкониятларини белгилаб беради. Сотувчилар келишувга қанчалик кўп интилсалар, бозор таклифи шунчалик кам эгилувчан бўлади.

Таклиф эгилувчанлигининг асосий омили товар сотиш шароити ўзгаришига муносабат билдириш учун ишлаб чиқарувчи ихтиёрида мавжуд бўлган вақт миқдоридир. Иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида ресурсларни (ишчи кучи, ускуналар, хом ашё) қайта тақсимлаш маълум муддатни талаб этади. Бинобарин, тадбиркорлар ихтиёридаги вақт қанча кўп бўлса, улар ишлаб чиқаришнинг тузилишини ўзгарган бозор шароитига мослаштириш учун шунчалик катта имкониятга эга бўладилар ҳамда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам ортади.

Эгилувчан таклифли вазиятда билвосита солиқ жорий этилганда ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини осонгина қисқартириб, шу ҳисобдан бозорда нархни кўтаришлари кўрсатилган. Бундай ҳолатда солиқ юқининг катта қисми харидор зиммасига ўтказилади. Аксинча, таклиф эгилувчан бўлмаганида ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кескин даражада қисқартира олмайдилар ва бозорда нарх деярли ўзгармайди. Бундай ҳолатда солиқ тўловларининг асосий қисмини тадбиркорларнинг ўзлари қоплайдилар. Шундай қилиб, солиқ нархнинг ўсиши орқали истеъмолчи зиммасига ўтиши мумкин. Солиқнинг истеъмолчи зиммасига ўтказилиши бозорнинг ўзига хос хусусиятларига, бозор талаби ва таклифига боғлиқдир. Агар товарга талаб барқарор бўлса, яъни кам эгилувчан вазиятларда солиқларни истеъмолчилар зиммасига маҳсулот баҳосини кўтариш йўли билан ўтказиши мумкин. Агарда талаб эгилувчан бўлса, баҳони кўтаришга бўлган интилиш товар ҳажмининг, шунга тегишли равишда ишлаб чиқариш, фойда ва солиқ ҳажмларининг камайиб кетишига олиб келади. Талабнинг эгилувчанлиги солиққа тортишни тартибга солиб турувчи ва чеклайдиган омилдир.

5. Солиқлар ва инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги

Солиқ тизими - иқтисодиётни ривожлантириш учун инвестиция фаолиятини қўллаб қувватлашнинг самарали механизмини ўзида мужассам этиши лозим. Мамлакатда соғлом инвестицион муҳитни шакллантириш мураккаб макроиқтисодий жараёнлардан бирidir.

Солиқ механизмидаги ўзгаришлар ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзгаришига таъсир қилиши билан биргаликда, инвестициялар ўзгаришига ҳам таъсир этади. Бундай олиб қараганда солиқлар ва инвестициялар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Солиқлар воситасида янгидан яратилган қийматнинг давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида тақсимланиши солиқлар ва инвестициялар ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Солиқлар бўйича энгилликлар берилиши кўп жиҳатдан солиқ тўловчиларни ишлаб чиқаришга рағбатини кучайтиради, уларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш мойиллигини кучайтиради. Ўз навбатида солиқлар воситасида инвестицияларнинг рағбатлантирилиши келажакда давлат бюджетига ундириладиган солиқ базасини кенгайтиришига хизмат қилади. Солиқлар билан инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни ёритар эканмиз, шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, инвестицияларнинг ўсиши ҳам ўз навбатида солиққа тортиладиган базанинг ошишига олиб келади. Юқоридаги мисолимизга қайтадиган бўлсак, малакатимиз солиқ тизимида амал қилаётган ушбу имтиёзлар инвестицияларни ўсишига олиб келиши билан биргаликда келажакда солиқ базасини ҳам кенгайтиришига хизмат қилади.

Таянч сўз ва иборалар

1. Макроиктисодий кўрсаткичлар, солиқ юки, таклиф иқтисодиёти назарияси, лаффер эгри чизиғи, Лаффер эгри чизиғининг эластиклиги, ялпи талаб, ялпи таклиф, солиқларнинг ялпи талабга таъсири, солиқларнинг ялпи таклифга таъсири, инвестицион муҳит.

Назорат саволлари.

1. Солиқ сиёсатининг макроиктисодий самараси деганда нимани тушунасиш?
2. Солиқ юки деганда нимани тушунасиш?
3. Солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?
4. Солиқ юкини қандай кўринишларда ифодалаш мумкин?
5. Лаффер эгри чизиғи моҳиятини тушунтириб беринг?
6. Солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири деганда нималарни тушунасиш?
7. Солиқлар ва инвестицияларнинг боғлиқлигини изоҳлаб беринг?

9-мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида солиқ ишhini ташкил этиш асослари (2 соат).

Режа.

1. Солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати органларининг таркибий тузилиши.
3. Давлат солиқ қўмитасининг вазифалари ва функциялари.
4. Солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар, молия-кредит муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги.

1. Солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари ваколат доираси ва фаолиятининг ташкилий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат бош солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги 1994 йил 18 январдаги Фармонига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши масалалари тўғрисида»ги 1994 йил 18 мартда қабул қилган Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида»ги Низомга биноан белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига биноан Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш, шунингдек давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида давлат назорати органи эканлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 1997 йил 29 августдаги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 1998 йил 12 январдаги Қарорига мувофиқ солиқ органларининг асосий функция ва вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг давлат солиқ бошқармалари, вилоят давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари давлат солиқ хизматининг куйи органлари ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати органларининг таркибий тузилиши

Республика солиқ идораларининг тузилиши бу уч даражали иерархия бўлиб, у марказий идора, яъни Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар солиқ бошқармаларини ҳамда туманлар ва шаҳарлардаги солиқ инспекцияларини ўз ичига олади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси солиқ қонунларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратининг ҳудудий органи ҳисобланади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомнинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий божхона идоралари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилинишини амалга оширади.

Туманлардаги, шаҳарлардаги ва шаҳарлар туманларидаги давлат солиқ инспекциялари давлат солиқ бошқармаси тасарруфида бўлган ва у билан биргаликда солиқ идораларининг бир ягона тизимини ташкил этадиган идоралар ҳисобланади.

3. Давлат солиқ қўмитасининг вазифалари ва функциялари

Давлат солиқ хизмати органининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;
- солиқ қонун ҳужжатларига риоя этишда зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;
- солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этиш;
- солиқ солиш субъектлари ва объектларини тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;
- солиққа доир ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш;
- назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларни мувофиқлаштириш.

4. Солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар, молия-кредит муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги

Давлат солиқ идоралари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш ва ўз функцияларини амалга ошириш давомида давлатнинг бошқа идоралари билан доимий ҳамкорлик қилади. Давлатнинг бошқа идоралари билан ўзаро муносабатларда аниқ солиқ идораларининг мазкур вазифа ва функцияларни қандай даражада бажаришини ҳам белгилаб беради.

Давлат идоралари тизими умумий ваколатли, функционал ва тармоқ идораларининг бир бутун ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилувчи тизимини ифодалайди. Шу сабабли, давлат солиқ идоралари давлатнинг бошқа ташкилотлари билан ўзаро алоқалари характерини ўрганиш мустақил таҳлил ва доимий такомиллаштиш объекти сифатида қаралиши керак. Солиқ идораларининг республика иқтисодиётига ҳуқуқий таъсирининг кўлами кенглигини, мазкур идоралар иш шакллари ва фаолият мазмунининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, ушбу муаммога катта эътибор бериш жуда муҳимлиги тўғрисида ҳулоса келиб чиқади.

Давлат солиқ органларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликдаги ҳаракати уларнинг Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ягона солиқ сиёсатини амалга оширишда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар бюджетларига солиқлар ва бошқа тўловларнинг келиб тушишини таъминлаш борасидаги топшириқларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил этишда қатнашишида намоён бўлади.

Давлат солиқ инспекцияларининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликда марказлаштирилган идора усули ва қонунчилик режимида иш олиб бориши ҳам кўриб чиқиладиган органларнинг муносабатларини тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳулоса қилиб айтганда, республикада солиқ хизмати органлари ўз олдига қўйилган вазифа ва функцияларга мувофиқ бир қанча органлар ва ташкилотлар, молия-кредит

муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Бундай ҳамкорлик республиканинг барча ҳокимият идоралари, жумладан, республика президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, суд органлари билан биргаликда амалга оширилади. Давлат солиқ қўмитасининг ушбу идоралар билан ҳамкорлиги кўпинча қонуний актларни ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш каби масалаларда ифодаланса, унинг молия-кредит муассасалари билан ҳамкорлиги бевосита солиқларни ундириб олишга қаратилган вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади

Таянч сўз ва иборалар

1. Давлат солиқ хизмати, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг функциялари, Давлат солиқ қўмитасининг вазифалари.

Назорат саволлари.

1. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқий базаси қандай қонун ҳужжатлари билан белгиланади?
2. Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқий базаси қандай қонун ҳужжатлари билан белгиланади?
3. Давлат солиқ қўмитаси қандай таркибий тузилишга эга?
4. Давлат солиқ бошқармаси қандай таркибий тузилишга эга?
5. Давлат солиқ инспекцияси қандай таркибий тузилишга эга?
6. Солиқ хизмати органларининг бошқа ташкилот, муассасалар билан ҳамкорлиги деганда нималарни тушунаси?
7. Солиқ хизмати органларининг божхона хизмати идоралари билан ҳамкорлигини тушунтириб беринг?
8. Солиқ хизмати органларининг банк массасалари билан ҳамкорлигини тушунтириб беринг?